

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

«ALFA LIFE INSURANCE» Акциядорлик

жамияти Ягона акциядорининг 2022 йил



22 апрайли 2022 -сон қарори билан

Ягона акциядор «ALFA INVEST SUG'URTA KOMPANIYASI» Бош директори

**И.Ю.Ахметова**

**«ALFA LIFE INSURANCE»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ  
ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

**ТОШКЕНТ 2022**

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом “ALFA LIFE INSURANCE” акциядорлик жамияти (матнда “Жамият” деб юритилади) Кузатув кенгаши мақомини ва унинг фаолият тартибини, аъзоларини сайлашни, уларнинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайди ҳамда кузатув кенгаши мажлислигини ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Мазкур низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига (бундан бўён матнда “Қонун”) ҳамда Жамият таъсис хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият Кузатув кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, ягона акциядор қарорлари ва мазкур «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида амалга оширади.

1.4. Жамият Кузатув кенгашиининг сон таркиби Жамият Уставида белгилаб қўйилади.

## **2. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

2.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва Жамият Устави билан ягона акциядор ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

2.2. Кузатув кенгаш ваколатига қуйидагилар киради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисботини мунтазам равишда эшлиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

ягона акциядорнинг йил якунлари бўйича йиллик мажлисини чақириш, бундан Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

ягона акциядорнинг йил якунлари бўйича йиллик мажлисини кун тартибини тайёрлаш;

ягона акциядорнинг йил якунлари бўйича йиллик мажлисини ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

Қонун 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни ягона акциядорга ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставига кўра бундай хукуқ жамият кузатув кенгашига берилган бўлса;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашиининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса ёки ягона акциядор томонидан жамият кузатув кенгашига топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшлиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат максадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувани ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;  
жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиши;  
Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

2.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонун ва Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Кузатув кенгashi ягона акциядор, кузатув кенгashi, жамият устави ва ривожланиш режаси томонидан кўйилган вазифаларнинг бажарилиши учун ижроия органи ваколатига кирувчи масалаларни мустақил ҳал этиши мумкин.

2.5. Жамият Кузатув кенгashi жамиятнинг ички назорат органи, ташкил этилган ижро органи фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқиши ташкил этиши ва унда белгиланган максадларга эришини мониторинги учун эксперталарни жалб этади.

2.6. Кузатув кенгashi жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий бакарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсатгичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди.

2.7. Жамият Кузатув кенгashi унинг аъзоси вазифасини бажаришдан озод этилиши шартларини ҳамда Кузатув кенгashi раисининг йиғилиши ташкил этиши ва ўтказиш билан боғлиқ фаолияти тартиби ва функциясини белгилайди.

2.8. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижро органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **3. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ**

3.1. Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш Қонунда ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда уч йил муддатга ягона акциядор томонидан амалга оширилади.

3.2. Жамиятнинг Кузатув кенгashi таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиси мумкин.

3.3. Жамият Бошқарув органи аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Кузатув кенгашига сайланиси мумкин эмас.

3.4. Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар ягона акциядор томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

3.6. Кузатув кенгаши аъзолиги учун номзодларга малака талаблари ягона акциядор қарори билан белгиланиши мумкин.

3.7. Жамият кузатув кенгаши таркибига камиди бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланishi мумкин.

Қўйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин:  
сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчи билан фуқаролик-хукукий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага teng амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган холлар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичидаги уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўгай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

3.8. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.9. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланishi лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.10. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

#### **4. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ**

4.1. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан **қўпчилик** овоз билан, ушбу кенгаши таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз Раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан **қўпчилик** овоз билан қайta сайлашга ҳақли.

4.3. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

4.4. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

4.5. Кузатув кенгаши Раиси, агар Кузатув кенгашининг қарори билан ушбу ваколатлар бошқа шахсга юкланмаган бўлса, ижро органи раҳбари ва аъзолари билан тузилган шартномаларни жамият номидан имзолайди.

#### **5. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ**

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, ижро органи раҳбарининг, шунингдек Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги бир фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақирилади ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини кўрсатиш юзасидан таклиф киритилади.

5.2. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари эҳтиёжга қараб чақирилади. Зарурият кўра Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари чоракда бир мартадан кўпроқ ўтказилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишлари сўров ўтказиш йўли билан шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиши мумкин, бунда Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.3. Янги уч йил муддатга сайланган Кузатув кенгашининг биринчи мажлиси Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан чақирилади. Кузатув кенгашининг ушбу мажлисида Жамият Кузатув кенгаши Раисини сайлаш масаласи кўриши шарт.

5.4. Мазкур Низомнинг 5.1-бандида белгиланган шахс томонидан Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги ёзма талаб келиб тушган тақдирда, Кузатув кенгашининг Раиси келиб тушган талабни кўриб чиқишига мажбур. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабда мажлис кун тартибиага киритилиши керак бўлган масалалар, уларни киритиш сабаблари кўрсатилади.

Талаб тақдим этган санадан эътиборан **ўн кун** ичida Жамият Кузатув кенгашининг Раиси мажлисни чақириш тўғрисида ёки мажлисни чақиришни рад этиши ҳақида қарор қабул қилиши керак. Чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда талабда кўрсатилган масалани (масалаларни) кўриб чиқиши бўйича Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши Раиси томонидан тегишли талаб олинганидан бошлаб **ўттиз иш кунидан** кечикирмай ўтказилиши керак.

5.5. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисни ўтказиш учун кворум аниқланади. Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камидаги **етмиш беш** фоизи иштирок этганида кворум ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур **бандида** назарда тутилган миқдорнинг **етмиш беш** фоизидан кам бўлган ёки кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажаришдан озод этилган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун ягона акциядорга хабар бериши шарт.

5.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда Жамият Кузатув кенгаши ваколатли бўлади. Кузатув кенгаши мажлисни Кузатув кенгаши Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири очади, мажлис кун тартибини эълон қиласи ва мажлисни олиб боради.

Йиғилиш кун тартиби масаласи бўйича Кузатув кенгаши Раиси, Кузатув кенгаши аъзоси ёки кун тартиби масаласи бўйича маъруза билан таклиф этилган шахс чиқишилари тингланади. Чиқишиларнинг натижаларига кўра кун тартибидаги масала муҳокама қилинади. Овозга кўйилган савол бўйича овоз берилади. Кузатув кенгаши Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири овозга қўйиш натижаларини ва қабул қилинган қарорни ўқиб эшигитиради. Кун тартибиага кўйилган масалалар кўриб чиқилиши натижасига кўра, кўрсатилган шахс йиғилишни ёпик деб эълон қиласи.

5.7. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисни чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи Конун ва Уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг **хар бир аъзоси битта овозга** эга бўлади.

Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Жамият Кузатув кенгаши Раиси **ҳал қилувчи овозига** хукуки эга.

5.8. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.9. Қонуннинг 18-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида қўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан **бир овоздан** қабул қилинади.

5.10. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **ўн кундан** кечиктирмай тузилади.

Мажлис баённомасида қўйидагилар қўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлиса хозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари; қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

5.11. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижро органи раҳбарига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши ягона акциядорнинг йил якунлари бўйича йиллик мажлисими чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижро органи раҳбарига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

## **6. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Кузатув кенгаши аъзоси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чикиш;

Кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда Жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

Кузатув кенгашида вазифаларни бажарганлик учун тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш, агар ягона акциядор томонидан белгиланган бўлса.

қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низомда белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

6.2. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши Раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб ягона акциядор томонидан белгиланади.

6.3. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Қонунчилик билан белгиланган меъёр доирасида ягона акциядор қарори билан белгиланади.

6.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қўйидагиларга мажбурийлар:

Жамият битим тузишидан аффиланганлиги тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятни хабардор этиши;

Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириш;

қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низомига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

6.5. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

6.6. Кузатув кенгаши аъзолари Жамияти имкониятлари (мулкий ва номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик ортириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

## **7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини қўзлаб иш тутиши лозим.

7.2. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.3. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир фоизига** эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

## **8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

8.1. Жамият ижро органи раҳбари Кузатув Кенгаши аъзоларини зарур материаллар билан таминлаш, ҳамда акциядорлар ва инвесторлар ўртасидаги ўзаро алоқа учун масъулдир.

8.2. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар белгилangan тартибда жавобгарлик бўладилар.

8.3. Мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва /ёки Устав талабларига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар тартибга солган масалалар юзасидан мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва/ёки Устав талабларига риоя этиш лозим.

